ЎЗБЕКИСТОННИ МАҲАЛЛИЙ РАҲБАР КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАГИ СОВЕТЛАР СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (XX асрнинг 1945-1990 йиллари)

Д.А.Ийманова

В статье, на основании данных научной литературы и материалов СМИ, освещена политика советского государства в отношении местных руководящих кадров в Узбекистане в период 40-90- годов XX века.

This article discusses the the policy of former Soviet government in matters of local personnel of party leaders in Uzbekistan during the 40s-90s of the XXth century.

Миллий истиқлолнинг ўзига хос томонларидан бири тарихни тазйиқлардан, мафкуравий босимлардан ҳоли, тарихий ворисийлик ва узвийлик тамойилларига асосланган ҳолда ёритишдан иборатдир. 70 йилдан ортиқ вақт давомида ҳукмронлик қилган коммунистик мафкурага асосланган совет давлати даврида кадрлар сиёсати борасида адолат, тенгҳуқуқлилик, барқарорлик бўлмади, аксинча, жараёнлар маъмурий-буйруқбозлик йўли билан ташкил этилган мафкурага бўйсунди.

Давлат кадрлар сиёсатида жамиятнинг ижтимоий тизими “ишчилар синфи”, “колхозчи деҳқонлар” ҳамда “зиёли” каби синф ва қатламларга бўлинган бўлиб, жамиятга қарашнинг ўзгариши, янги тамойилларнинг пайдо бўлиши “марксча-ленинча” бир тарафлама мафкурага асосланди. Кадрлар онги ва тафаккуридан миллийлик, ватанпарварлик, фидойилик, бунёдкорлик, ишбилармонлик фазилатлари ўрнида кўпроқ “эҳтиёткорлик”, “тобелик”, “итоаткорлик” сифатлари намоён бўлди [1.505]. Кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда ҳам унинг шу сифатлари устиворлик қилди. Марказ манфаатларига бўйсунган “садоқатли” кадрларни тайёрлаш, акс ҳолда, улар билан тегишли тарзда маъмурий-тарбиявий чора-тадбирлари ўтказиш ягона мақсадга бўйсундирилиб, собиқ иттифоқ давлат сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этди.

Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида партия ходимлари «маҳаллий» ва «маҳаллий бўлмаган» кадрларга ажратилмади. Марказда ва жойлардаги бошқарув органлари таркибида турли миллат вакиллари биргаликда ишладилар. 1944 йил 6 мартдаги ВКП (б) МҚнинг пленумида республика саноат ишлаб чиқаришида ўзбек кадрлари камлиги, шунинг учун ўзбекларни саноатга кенг миқдорда жалб этиш ва малакали ўзбек мутахассис кадрларни тайёрлаш зарур эканлиги тўғрисида қарор қабул қилинди [11.39]. 1944 йилда саноатда ўзбеклардан умумий раҳбар кадрлар 17% бўлса, 1945 йилда 20%га ўсди [11.40]. 1941 йилда барча раҳбар кадрлар таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари – 52%, шулардан ўзбеклар – 39,3%, руслар – 32,2%, бошқа миллатлар – 15,8% бўлган бўлса, 1946 йилга келиб маҳаллий аҳоли – 57,4%, шулардан, ўзбеклар – 40,4%, руслар – 30%, бошқа миллатлар – 22,6% бўлди [11.64].

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кадрлар сиёсатида ва бошқарув аппаратида янги давр бошланди. Шунингдек, совет давлати кадрларнинг илк йирик оқимини вужудга келтирди. Уруш туфайли ягона ҳарбийлашган тизим келгуси ўн йилликларда ҳам ўз таъсирини ўтказганлиги сабабли урушдан кейинги йилларда мамлакатда саноатлаштириш сиёсати кенгайган пайтдан совет сиёсатида халқларни янада мустаҳкамроқ ўз йўриғида ушлаш даври бошланди. Ўзбекистонда эса бу даврда давлат аппаратини маҳаллийлаштириш жараёни кечди. ВКП (б) МҚ қарорларига мувофиқ ЎзКП МҚ котиби У.Юсупов кўплаб миллий кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Унинг Ўзбекистон пахтакорларининг IV республика қурултойидаги чиқишлари (1947 йил 7-10 февраль), ЎзССР ФА илмий сессиясидаги (1947 йил 13 июнь), ЎзКП (б) МҚнинг кадрлар масаласи бўйича йиғилган мажлисидаги (1947 йил 8 июнь), ЎзКП (б) МҚнинг XVIII пленумидаги ва бошқа чиқишларида миллий кадрларни кўпайтиришга ҳаракатлар қилган [2.304]. ЎзССР ФАнинг илмий сессияси маърузасида: “Энг муҳим омил кўп сонли миллий большевик кадрларни шакллантиришдан иборатдир. Давлат бошқарув органларининг раҳбар ходимлари таркибида ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат вакилларининг сони қуйидагичадир: партия органларида – 49%, шулардан партия шаҳар комитетлари ва район ижроия комитетлари котиблари – 67%, совет органларида – 67%, шу жумладан, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари – 93%, суд ва прокуратура органларида – 74%, шулардан район ва шаҳар прокурорлари – 81%, район ва шаҳар газета муҳаррирлари таркибида – 93%, шаҳар ва район халқ таълими бўлимларида – 82%, ЎзССР юқори кенгаш депутатлари таркибида – 68% ни ташкил этади” [2.307], – деб таъкидлаган. Раҳбар кадрлар 1947 йилда 3725 та бўлса, 2012 та (54%) ўзбеклар, 638 та (17,1%) руслар бўлган [12.4-6]. Туб аҳоли вакилларидан етишиб чиққан раҳбарлар ҳар қанча

қобилиятли, истеъдодли билимдон бўлмасинлар, улар доимий назоратда бўлган. Марказий идораларда самарали ишлай оладиган етук, тажрибали маҳаллий кадрлар кўплаб топилган, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети, Министрлар Совети аппаратида ва бошқа идораларда юқори лавозимларда ишлаган маҳаллий миллат вакиллардан, Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов, Абдулла Раҳимбоев, Назир Тўрақулов, Султон Сегизбоев, Саъдулла Турсунхўжаев, Сотқин Бадалбоев, Исроил Ортиқов, Эшонхон Усмонхўжаев, Шароф Рашидов каби кўплаб атоқли давлат арбоблари мамлакат равнақи, келажаги учун меҳнат қилдилар, бироқ ҳукмрон тузум қурбонларига айландилар. Ш.Рашидов фаолияти даврида у билан бирга иқтидорли, меҳнаткаш маҳаллий раҳбар кадрлар, министрлар совети раиси Н.Д.Худойбердиев, раис ўринбосари М.Т.Турсунов, А.Р.Ходжаев, МҚ котиби А.А.Ходжаев, Ю.Р.Қурбонов, О.У.Салимов, вилоят партия комитетининг биринчи котиблари М.М.Мусахонов, В.А.Ҳайдаров, М.К.Камолов, К.М.Муртазаев, А.К.Қаюмов, А.Х.Хамидов, И.Х.Жўрабеков, С.М.Мамарасулов, Я.И.Исмоилхўжаев каби истеъдодли раҳбарлар фаолият кўрсатган [3.117]. Талантли ташкилотчи шахслар, арбоблар халқни ўз орқаларидан эргаштириб кетишидан хавфсираган совет маъмурлари уларни турли хил усуллар билан доимий кузатиб турган, тегишли чораларни қўллаган.

Маҳаллий кадрларни тобелаштиришнинг асосий йўл-йўриқлари собиқ коммунистик партия томонидан 1947 йил 6 июнида НК (003)47 буйруқ билан қабул қилинган ва қатъий сир тутилган кўрсатмада ўзининг ифодасини топган. Жумладан, унда қуйидаги қарорлар таъкидланган, “Ташкилотчилик қобилиятига эга ва халқ орасида машҳур бўлган кишиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай кишиларни ёллаб олишга уриниш зарур. Мабодо рад этишар экан, уларнинг юқори лавозимлар томон йўлини тўсиб қўйиш лозим бўлади. Маҳаллий аҳоли орасидан етишган раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёқ берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак. Партия ва давлат хўжалик аппаратида ишлаётган туб ер аҳоли намояндаларини шундай ҳолатга солиш керакки, уларнинг ўз қўл остидагилари кўз ўнгида обрўси тўкилиб, аввалги даврасига қайтишлари учун имкониятлари қолмасин. Иш жойларида етакчи мутахассисларнинг ишдан олинишига ҳамда уларнинг ўрнига чаламулла ва мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор. Олий ўқув юртларига шундай кишиларнинг қабул қилинишига эришиш керакки, токи улар халқнинг қуйи қатламидан бўлсин ва уларни мутахассисликлари бўйича билим олиш эмас, балки диплом қизиқтирсин” [1.508-510]. Раҳбарият республикаларни мустаҳкам ушлаш учун миллий кадрларни бошқариш масаласида турли сиёсий усулларни қўллаган. Марказ чизиғидан чиқмайдиган кадрларни тайёрлаш сиёсатида комсомол ва партия мактабларида ўқитиш, марказдан “вакиллар отряди жўнатиб ёрдам бериш”, қўл остидаги республикаларнинг барча иккинчи котибларини Москвадан жўнатиш сингари тажрибалар очиқ расмий йўл ҳисобланса, маҳаллий кадрларни бир-бирига қарши қўйиб бирлашишга йўл қўймаслик ишлари ва усуллари авж олдирилган [4.8]. Маҳаллий раҳбар кадрларни асоссиз равишда тез-тез бошқа жойга кўчириш амалиёти қўлланган. Айниқса, Ўзбекистон Компартиясининг раҳбар органлари бирор ҳисобот сайлов давридан кейин тахминан 20% янгиланса, КПСС уставида янгиланиб туришнинг нисбати мустаҳкамлангандан кейин 70%, ҳатто ундан ҳам кўпроқ янгиланадиган бўлдики, бунинг оқибатида кадрлар ишига бўлган ишончсизлик, лоқайдлик ҳолатлари кучайиб борган [13.3].

Кадрлар фаолиятида юксак маънавий фазилатлардан кўра “сиёсий сифатлар” деган тушунча устун бўлиши зарур эди. Бу тушунчанинг моҳияти чуқур ғоявий эътиқод, унинг асосини “марксча-ленинча” таълимотни билиш ташкил этарди; интернационализм (турли ирқ ва миллат меҳнаткашларининг ҳалқаро бирдамлиги) ва совет ватанпарварлиги; буржуа мафкураси кўринишларига, ўтмиш сарқитларига нисбатан муросасизлик; ижтимоий ҳодисаларни баҳолашда партиявий, синфий муносабатда бўлиш; партия сиёсатини, совет давлати манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни амалга ошириш учун фидокорона кураша олиш қобилияти; ижтимоий бурчни чуқур англаш; партия ва давлат интизомига қатъий риоя қилиш кабилар бўлиб, “марксча-ленинча” назарий билим ўз шахсий эътиқодига, кундалик ҳаёт қоидасига айланган кишинигина чинакам етук кадр ҳисоблашарди [5.35]. Бундай раҳбар кадрларни тайёрлашда эса ВКП (б) МҚ ҳузуридаги олий партия мактаблари ва унинг сиртқи бўлими, ижтимоий фанлар академияси, “Ленин курслари”, республика ва вилоятлараро партия мактаблари асосий восита бўлган. Бу ерда кадрлар ўз мутахассисликлари билан бирга “марксизм-ленинизм” таълимотларини ҳам чуқур эгаллашлари керак бўлган. 1950 йиллардан кейин партия доҳийларининг асарларининг нашрдан чиқарилиши ва ўзбек тилига таржима қилиниши олий мактаблар учун ғоявий қурол бўлди. Ҳақиқий коммунист бутун вужуди, кучи, ғайрати, қалби, ҳароратини ватанга, партия ишига бағишлаши кераклиги таъкидланди [14.138]. “Ижтимоий тенглик” тўғрисидаги социализм ғояси кишиларнинг ишга нисбатан совуққонлигини оширган бўлса, “давлат мулки”, “умумхалқ мулки” деган ақидаси инсонни мулкдорлик, эгалик туйғуларидан бегона қилди. Раҳбарият халқ хўжалигининг барча тармоқларини мустабид тузумни мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштириш учун сафарбар қилди.

Иқтисодиётни “социалистик режалар” асосида бошқарган совет тузуми пухта илмий асосда ишлаб чиқилмаган “беш йиллик” режаларида аслида бажа-

риб бўлмайдиган вазифаларни белгиларди. Кейин эса ҳақиқий ҳолатни яшириб, “беш йиллик” режаларнинг ортиғи билан бажарилгани эълон қилинаверарди. Натижа шу бўлдики, 1970-йилларга келиб совет давлатида қўшиб ёзиш амали қўлланилмаган бирорта корхона ёки ташкилот қолмади. Оқибатда мамлакат иқтисодиётида рўй берган танглик, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги бузилишлар, порахўрлик, танишбилишчилик, мансабни суиистеъмол қилишлар, қўшиб ёзишлар ва бошқа салбий ҳолатлар кадрлар сиёсатида кескин вазиятни юзага келтирди [6.14]. Аслида жамиятда мана шундай зиддиятларнинг авж олиши учун шароит давлат сиёсатида, унинг юқори бошқарув органлари берган махфий кўрсатмалари яратилган эди. Давлат хизматчилари, раҳбар ходимларнинг даромадлари жуда оз миқдорда белгиланган бўлиб, соғлиқни сақлаш, суд, мактаб ва бошқа соҳаларда бу муаммолар яққол кўринди [1.508]. Сиёсий раҳбарият ўз айбларини беркитиш мақсадида республикадаги бу вазиятларнинг вужудга келишининг бош сабабчилари қилиб кейинги йилларда маҳаллий раҳбар ходимларни танқид остига олди ва тазйиқ ўтказишни янада кучайтирди.

Ўзбекистон КП МҚнинг 1984 йил 23 июнь XVI пленумидан кейинги йилларда содир бўлган воқеалар ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши, қишлоқ хўжалигида вужудга келган оғир вазият, мамлакат ҳаётидаги инқирозли кўринишларига алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг сабабчилари асосан маҳаллий кадрлар деб топилиб, Ўзбекистонда бошланган “тозалаш” иши мутлақо халққа қарши қаратилган тусда авж олдирилди. Пленумда юқори поғонадаги собиқ раҳбарларнинг хато ва камчиликларига урғу бериб, уларни шунчаки танқид қилиш билан чекланди. Ҳақиқий танқид ва таъқиблар маҳаллий раҳбар кадрлар бошига тушди. Оқибатда бу даврда Ўзбекистонда раҳбар ходимларга қарши бошланган дастлабки таъқиб Ўзбекистон КП МҚнинг собиқ биринчи котиби Ш.Р.Рашидовга қаратилиб, унинг фаолияти давомида қилинган юксак ишлар, ислоҳотлар ҳам қўшиб қораланди. “Рашидовчилик” деган ва Ўзбекистондаги коррупциянинг рамзига айлантирилган сиёсий ёрлиқ тўқиб чиқарилди [1.546]. Ш.Рашидовдан кейин раҳбарлик қилган И.Усмонхўжаев даврида асосан марказ кўрсатмалари бажарилди. Ш.Рашидовнинг даврини, унинг атрофида турган маҳаллий раҳбар кадрларни, республика шаъни ва мавқеини қоралаш КПСС МҚда пухта ишлаб чиқилди. Марказдан уюштирилган “пахта иши”, “ўзбеклар иши” уйдирмалари гўёки “порахўрлар”га қарши қаратилган бўлиб, қонунсизлик ва оммавий қатағонларни авжга чиқарди, минглаб айбсиз маҳаллий аҳолини оғир тазйиқларга дучор этди, жумладан, кўплаб раҳбар ва қишлоқ хўжалик ходимларининг ҳаётини гирдобга айлантирди.

1984 йилдан бошлаб собиқ Компартия раҳбарларининг таклифига биноан Ўзбекистонда мамлакатнинг турли минтақаларидан “десантчилар” кела бошладилар. Десантчилар Ўзбекистонда чин маънода тартиб ўрнатиш учун эмас, балки марказнинг республикадаги таянчи бўлиш ва мамлакатда “советларча тартиб” ўрнатишлари лозим эди. Марказдан юборилган ходимлар Ўзбекистон партия ва ҳокимият тизимларидаги асосий ўринларни эгаллаб олиб, қирғин бошладилар. Республикадаги вазиятни ўрганиб, йўқ хато ва камчиликларни бор қилдилар. Уларнинг сиёсий ўйинлари натижасида Ўзбекистон тарихда кўрилмаган аёвсиз тажрибалар майдонига айлантирилди. Маҳаллий раҳбарларни бадном этиш, таъқиб остига олиш, уларни Россия, Украина, Белоруссиядан келган содиқ кишилар билан алмаштириш амалиёти авж олди. Ўзбекистон КП МҚ, Министрлар Совети, Олий Совет, Республика прокуратураси, Ички Ишлар Вазирлиги шундай “десантчи” кадрлар қўл остига ўтди. Жумладан, 1984 йилда 5 та, 1985 йилда 33 та, 1986 йилда 86 та, 1987 йилда 27 та, 1988 йилда 2 та, 1989 йилда 3 та ходим Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлигига юборилди [4.47].

Бундан ташқари, 1984-1989 йиллар ичида турли баҳона ва сабаблар билан 10 мингдан ортиқ киши ишдан олиб ташланди. Кадрларни алмаштириш сиёсати тез амалга ошдики, ҳатто бир идорага бир йилда 3 та янги раҳбар келарди. Сунъий равишда ўйлаб топилган “пахта иши” маҳаллий кадрлар салоҳиятига жуда оғир зарба берди. Натижада жамоа хўжалиги раислари ва совет хўжалиги раҳбарларининг 60%и лавозимларидан олиб ташланди, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг тахминан 45%и, пахтачилик бригада бошлиқларининг ҳар учинчиси вазифаларидан бўшатилди [7.308]. Бу ишлар кадр танлашдаги янги йўл эмас, балки, уларни таҳқирлаш, обрўсизлантириш, ерли миллий кадрлар ғурурини паймол қилиш сиёсати эди [8.49]. Жараён гўёки “порахўрларга” қарши қаратилган бўлди. Фақатгина 1983 йилдан 1989 йилгача бўлган вақтда Ўзбекистондаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўшиб ёзиш, порахўрлик, ўғриликлар ҳақидаги 800 дан ортиқ жиноий ишлар текширилиб, 5000 дан ошиқ киши жазога ҳукм қилинганлиги, улардан 600 нафари раҳбар ходимлар, ўн нафари меҳнат қаҳрамонлари эди [7.308]. Ўзбекистонда бу йилларда жазога тортилган бегуноҳ масъул ва хўжалик ходимлари сони 25 минг кишига етди [9.75]. Гдлян-Иванов раҳбарлигидаги жазо отрядининг ортида турган кучлар узоқ вақт пинҳоний сиёсат олиб борди. Лигачев, Разумовский, Могильниченко, Бессарабов, Смирнов, Пономарев каби совет маъмурлари бу ишларнинг бошида бўлишди [10.75,80]. Бу гуруҳнинг “иши” бошиданоқ қонунчиликка умуман зид ҳолда, тергов қилинувчилар ва уларнинг яқинларига нисбатан очиқдан-очиқ зўравонлик қилиш билан ажралиб турди. Беморлар, кўп

болали оналар, қариялар ҳам аяб ўтирилмади. Маҳаллий раҳбар кадрларнинг “вақтинча” қамоқда сақланишлари йиллаб давом этди. Ноҳақ қамоққа олинганларнинг баъзилари оғир таҳқирлашларга бардош беролмай, ўз жонларига қасд қилдилар. Кадрларни обрўсизлантириш, уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, таниш-билишларини ҳам аёвсиз жазолаш сиёсати Ўзбекистонда кенг тус олди. Неча минглаб кишилар тазйиқ, қувғин ва қатағонга дучор қилинди, қанчадан-қанча одамлар тергов изоляторларида сақлаб турилди. Атайлаб ўйлаб топилган кўпдан-кўп, жиноий ишлар қўзғатилди. Терговлар далилларни сохталаштириш, бегуноҳларга нисбатан фақат айблаш йўлини тутди. Жисмоний зўравонликлар, руҳий таъсир этиш, мажбурлаб бўйинга қўйиш ва эътироф этишлар оммавий тус ола бошлади. Шу тариқа Ўзбекистонга келганлар адолатни қарор топтиришга эмас, аксинча, бегуноҳ маҳаллий кадрларни қаматиш орқали ўз кўрсаткичларини бойитишга зўр бердилар [4.47].

Ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатиш учун Ўзбекистонда, бошқа республикалардан фарқли ўлароқ, кадрларнинг “таъзирини бериб қўйиш”га қаратилган ҳаракат ўта кучли ва беаёв бўлган. Яъни тизимга сиғмаган ва ҳукмрон тузумни ёқтирмаган аҳоли гуруҳлари антигуманистик чоралар билан йўқ қилиш каби сиёсат қурбонига айландилар [9.24]. XX асрнинг 1930-, 1950-, 1980- йилларида Совет тузуми Ўзбекистонда қатағон сиёсатини авж олдирганининг асосий мақсади ҳар бир авлоддан етишиб чиқаётган миллий ғурурли, малакали маҳаллий кадрларни йўқ қилиш, шу билан қўрқитиб қолганларни совет сиёсатига зид бўлган таъсирлардан “тозалаш”га қаратилган эди. Шунинг учун ҳам айнан юқоридаги йилларда минг-минглаб мустақил, эркин фикрга эга бўлган, халқни истиқлолга чорловчи ватанпарвар миллий кадрлар совет сиёсатининг қурбонига айланди. Фақат истиқлол арафаларидан бошлаб республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. 1989 йилда И.А.Каримовнинг миллий раҳбар бўлиши Ўзбекистон тарихи саҳифаларининг ҳаққонийлигини очишга устивор даражада таъсир кўрсатди. Ислом Каримов миллат ва халқнинг асл манфаатларини ифода этиб, дарҳол давлат мустақиллик ғоясини илгари сурди. У ўзининг республикада тутган йўлини, “десантчилар” зўравонлигига қарши курашини миллий сиёсий партиялар ва ҳаракатларни ташкил этиш учун шароитларни яратиб бериш билан мустаҳкамлади. Марказ мазкур ўзгаришлардан очиқ норозилигига қарамай, Ўзбекистон КП МҚнинг 1990 йил март пленумида “сиёсий тизимни янгилашни иқтисодий мустақиллик муаммосидан ажралган ҳолда қараб чиқиш мумкин эмас”лиги қайд этиб ўтилди ва Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллиги яхлит концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. 1990 йил 24 мартда Республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида И.А.Каримовнинг Ўзбекистон ССР Президенти қилиб сайлангани давлат мустақиллиги қўлга киритилишининг муҳим шартларидан бири бўлди.

Хулоса шуки, коммунистик мафкура асосида олиб борилган кадрлар сиёсати “марксча-ленинча” бир тарафлама ғояларга асосланди, кадрлар масаласини ҳал қилишда партиянинг ҳуқуқи ва имтиёзлари устун бўлди. Республика раҳбарияти собиқ СССРнинг бошқарув тизимига бўйсунди ва Ўзбекистон халқ хўжалигида маҳаллий раҳбар кадрларнинг туб манфаатларини доим ҳам ҳисобга ола билмади. Тузумнинг кадрлар сиёсатида олиб борган ишлари республика иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилса-да, олинаётган фойдадан кўпроқ марказ манфаатдор бўлди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000
2. Гитлин С. Национальные отношения в Узбекистане: иллюзии и реальность. – Тель-Авив, 1998. – С. 304.
3. Ризаев С. Шараф Рашидов: штрихи к портрету. – Т., 1992. – С. 117.
4. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: Академия, 2003. – Б. 8.
5. Зиёмов Ш. Партиянинг ленинча кадрлар сиёсати // Ўзбекистон коммунисти. – 1980. - №3. – Б. 35.
6. Туленов Ж., Ғофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 14.
7. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар) / Д.А.Алимова таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 308.
8. Юсупов Э. Истиқлол шабадалари. – Т.: Фан, 1993. – Б. 49.
9. Алимова Д.А., Голованов А.А. Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и иделогии. – Т.: Узбекистан, 2002. – С. 75.
10. Жўрабеков И. Янги Ўзбекистон - янги қадамлар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 75, 80.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 58-фонд, 21-рўйхат, 836-иш, 39-варақ.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 58-фонд, 23-рўйхат, 150-иш, 4,6-варақ.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 58-фонд, 23-рўйхат, 1123-иш, 3-варақ.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 58-фонд, 235-рўйхат, 147- иш, 138-варақ.

Андижон машинасозлик институти,
2012 йил 20 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф.)